

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/04.06.2020.Ped.70.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАЖАБОВ АДҲАМ УМАРҚУЛОВИЧ

**ТАЛАБАЛАРНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДИК ТАЙЁРГАРЛИГИНИ
ИНТЕГРАТИВ ЁНДАШУВ АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(Бошланғич таълим мисолида)**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (педагогика фанлари)

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2022

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Ражабов Адхам Умаркулович

Талабаларнинг назарий-методик тайёргарлигини интегратив ёндашув
асосида такомиллаштириш (Бошланғич таълим мисолида)..... 5

Раджабов Адхам Умаркулович

Совершенствование теоретико-методической подготовки студентов на
основе интегративного подхода (На примере начального образования) 21

Rajabov Adkham Umarkulovich

Improvement of theoretical and methodological training of students based
on an integrative approach (on example of elementary education)..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 43

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/04.06.2020.Ped.70.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАЖАБОВ АДҲАМ УМАРҚУЛОВИЧ

**ТАЛАБАЛАРНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДИК ТАЙЁРГАРЛИГИНИ
ИНТЕГРАТИВ ЁНДАШУВ АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(Бошланғич таълим мисолида)**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (педагогика фанлари)

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2022.1.PhD/Ped3155 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши давлат университетиде бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.qarshidu.uz) ва “Ziynet” Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Нуруллаева Шахло Уктамовна педагогика фанлари доктори (DSc), профессор
Расмий оппонентлар:	Уразова Марина Батировна педагогика фанлари доктори (DSc), профессор Ҳамраев Алижон Рўзиқулович педагогика фанлари доктори (DSc), профессор
Етакчи ташкилот:	Жиззах давлат педагогика университети

Диссертация ҳимояси Қарши Давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/04.06.2020.Ped.70.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “___” _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил:180100, Қарши ш., Кўчабоғ кўчаси, 17-уй. Тел.: (+99875) 225-34-13, факс: (+99875) 221-00-56, e-mail: qardu@mail.ru). Қарши давлат университети, Педагогика факультети, 301-хона.

Диссертация билан Қарши давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил:180100, Қарши ш., Кўчабоғ кўчаси, 17-уй. Тел.: (+99875) 225-34-13, факс: (+99875) 221-00-56, e-mail: qardu@mail.ru).

Диссертация автореферати 2022 йил “___” _____ куни тарқатилди (2022 йил “___” _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси).

Р.Д.Шодиев
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси,
п.ф.д., профессор

И.Б.Камолов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби,
п.ф.ф.д. (PhD), профессор

Ҳ.О.Жўраев
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси ўринбосари,
п.ф.д. (DSc), профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда замонавий динамик ижтимоий-маданий шароитда кучли сармоявий ресурс – инсон салоҳиятидан максимал даражада фойдаланиш зарурияти яққол намоён бўлмоқда. Ушбу тенденция шахснинг назарий-методик тайёргарлиги муаммосини долзарб қилиб қўймоқда. Чунки назарий-методик тайёргарликка эга мутахассисгина таълимнинг янги сифатига эришиш учун зарурий шарт-шароитларни таклиф этиши, илмий фаолиятни ривожлантира олиши мумкин. Мазкур жараёнда ислохотлар бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини назарий-методик тайёргарлик даражасини назарда тутмоқда. Шунга кўра, педагог кадрларнинг илмий-услубий тайёргарлиги келажак авлодни ўқув-тарбиявий истиқболларини белгилаш, жамиятнинг илғор ривожланиши учун хизмат қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Дунёда интегратив таълимнинг ривожланиши ижтимоий ҳамда ахборот коммуникация соҳаларининг ўзаро тизимли алоқадорлиги, ҳамда илм-фандаги интегратив жараёнларнинг барчаси жамиятнинг замонавий таълим олдига қўйган талабларини қондиришга қаратилган ўқув-тарбия жараёнини самарасини таъминлашнинг устувор стратегиясини белгилаш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада ўқитувчиларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги даражасидаги таълим муассасалари, жумладан, Гарвард Олий таълим мактабининг “Project Zero” тадқиқотчилари турли хил шароитларда фанлараро алоқадорликни аниқлаш, дунё таълим тизими олдида талабалар тафаккурини ривожлантириш, уларни назарий-методик фаолиятга тайёрлашда интегратив ёндашувнинг имкониятини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда ҳам таълим соҳасига жиддий эътибор берилиб, юқори талаблар қўйилмоқда. Бугунги глобаллашув ва интеграциялашув жараёни назарий-методик рақобатни юзага келтирмоқда. Шунга боғлиқ равишда меҳнат бозорида рақобатбардош педагог кадрларга, эркин фикрлашга қадриятли – мазмунли муносабатга, ахборот-коммуникацион технологиялар ҳамда бошқа ёндош фанлардан академик билим, кўникмаларга эга педагог кадрларга эҳтиёж юзага келди. Бу эса бўлажак мутахассисларнинг шахсий ва назарий-методик тайёргарлигини жаҳон стандартлари талаблари даражасига етказишни тақозо қилмоқда. Мазкур жараёнда ушбу талабни ҳал қилишнинг мумкин бўлган усулларида бири бу талабаларнинг назарий-методик тайёргарлигига интеграл ёндашувдир. У талабаларнинг илмий-услубий ва шахсий сифатларни яхлит педагогик жараёнда самарали алоқадорлигини таъминлаш талаби ва шахснинг бўлажак мутахассис сифатида амалга оширишга тайёрлиги учун замин тайёрлашнинг етарли амалга оширилмаганлиги ўртасидаги етакчи қарама-қаршиликни ҳал қилишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт

стратегияси тўғрисида” Фармони, 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сон “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ҳамда бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамизда олий таълим тизимида талабаларни касбий тайёргарлигини шакллантириш муаммосини турли жиҳатлари М.Зайнитдинова, Н.Бикбаева, Р.Мавлонова, У.Ш.Бегимқулов, К.Олимов, А.Рахимов, М.Жумаев, Ф.Касимов, Э.Янгабаева, М.Т.Мирсолиева, Н.А.Муслимов ва бошқа маҳаллий олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида талабаларни касбий тайёргарлигини интегротив ёндашув асосида такомиллаштириш муаммоси П.Н.Федосов, В.А.Энгельгардт, И.В.Гришина, Г.Павельциг, Е.О.Галицких, Н.А.Долгих ва бошқаларнинг тадқиқотларида ёритиб берилган.

Хорижий давлатларда А.Моore, L.Hooghe, G.Marks, S.Blessing, C.Coutras, T.Jong, W.Kouwenhoven, S.Tappin, T.Murray, K.Thauang, S.Erduranлар илмий изланишларида ўз ифодасини топган.

Тадқиқот муаммосига оид юқоридаги илмий изланишлар ва манбалар таҳлилидан маълумки, Республикамизда таълим жараёнида талабаларни назарий-методик тайёргарлигини такомиллаштириш бўйича илмий хулосалар берилган. Мавжуд адабиётлар, илмий-тадқиқот ишлари таҳлилинини ўрганиш, интегротив ёндашув асосида талабаларнинг назарий-методик тайёргарлигини такомиллаштириш масалалари махсус тадқиқ қилинмаган. Олий таълим муассасаларида талабаларнинг назарий-методик тайёргарлигини интегротив ёндашув асосида такомиллаштириш имкониятлари мавжуд бўлса-да, улардан психологик ва педагогик жиҳатдан ўқув жараёнида фойдаланиш масалалари бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқилмаганлиги сабабли диссертация мавзуси долзарблик касб этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қарши давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ёшларни умуммиллий қадриятларимизга хос тарбиясини шакллантириш

технологияси ва методикасини ишлаб чиқиш” амалий лойиҳаси (2015-2017 йй.) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади талабаларнинг назарий-методик тайёргарлигини интегратив ёндашув асосида такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

1. Интегратив ёндашув асосида талабаларнинг назарий-методик тайёргарлигини ривожлантиришни долзарб педагогик муаммо сифатида ёритиб бериш ҳамда уни ҳал этишнинг илмий-назарий жиҳатдан зарурлигини асослаш.

2. Талабаларнинг назарий-методик тайёргарлигини интегратив ёндашув асосида такомиллаштиришнинг назарий асоси сифатида интеграл ёндашув концепциясини аниқлаш.

3. Талабаларнинг назарий-методик тайёргарлигини такомиллаштиришда, ўқув-билув жараёнини ташкил этишнинг методик таъминотида интегратив ёндашув дастуридан фойдаланиш.

4. Интегратив ёндашув дастурлари натижаларини таҳлил қилиш ва унинг самарадорлигини баҳолаш мезонларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объектини талабаларнинг назарий-методик тайёргарлигини интегратив ёндашув асосида такомиллаштириш жараёни ташкил қилади.

Тадқиқотнинг предмети талабаларнинг назарий-методик тайёргарлигини интегратив ёндашув асосида такомиллаштириш мазмуни, шакли, метод ва воситалари кабилардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Фалсафий, психологик-педагогик, умумқасбий ва ихтисосликка оид адабиётларни тадқиқот муаммоси нуқтаи назаридан ўрганиш, олинган маълумотларни таҳлил қилиш; малака талаблари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик кузатув, умумлаштириш, анкета ва тест, суҳбат, педагогик тажриба-синов олиб бориш ва унинг натижаларини математик статистика методлари ёрдамида қайта ишлашдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

замонавий таълим жараёнида субъектлараро, субъектлар ичидаги, шахслараро ва шахсий интеграциянинг ўзаро таъсири натижасида амалга ошириладиган талабаларнинг назарий-методик тайёргарлигини такомиллаштиришнинг назарий асоси сифатида интегратив ёндашув мазмунининг мантиқий-услубий ва умумий-назарий муаммолари аниқлаштирилган;

интеграл ёндашув асоси (ғоялар, воситалар, услублар, фаолиятнинг турли тузилмаларининг умумийлиги, объектларнинг ўзига хос хусусиятлари) ва фаолиятнинг яхлитлигини таъминлашда асосий ғояларни ривожлантириш модели замонавий педагогиканинг акцентуацияси асосида ташкилий-педагогик, методик, психологик шарт-шароитлари такомиллаштирилган;

талабаларнинг назарий-методик тайёргарлигининг босқичлари ривожлантирувчи таълимнинг устувор тамойиллари (шахсга йўналтирилганлик, индивидуаллик, субъективлик, плюрализм) ва педоцентризм ғояларини (инсонпарварлик, маданий диалог, дидактик фаолликни жадаллаштириш) интегратив таълимнинг

муаммоли, мавзули шакллари билан қайта алоқаси дифференциация ва кўп даражалилик асосида такомиллаштирилган;

талабаларнинг назарий-методик тайёргарлигининг дидактик таъминоти ахборотлар билан ишлаш компетенциясини ривожлантиришга қаратилган инновацион таълим технологиялари ҳамда талабаларни антиномия қобилиятларини ривожлантирувчи бинар-диалогли маърузалар ва интегратив амалий машғулотлар асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

талабаларнинг назарий-методик тайёргарлигини такомиллаштириш мазмуни, тузилмаси ва уни олий ўқув юртларида жорий этишда интегратив ёндашув асосида амалга ошириш методикаси ишлаб чиқилган;

талабаларнинг назарий-методик тайёргарлигини такомиллаштиришга қаратилган инновацион таълим методларидан самарали фойдаланилган ҳамда олий таълим муассасаларининг 5111700 – Бошланғич таълим бакалавр таълим йўналиши талабалари назарий-методик тайёргарлигини такомиллаштиришга хизмат қилувчи “Технология ўқитиш методикаси” номли ўқув қўлланма ишлаб чиқилиб амалиётга жорий этилган;

олий таълим муассасаларида талабаларнинг назарий-методик тайёргарлигини интегратив ёндашув асосида такомиллаштиришга қаратилган “Бинар-диалогли маъруза” ҳамда “Мустақил интегратив фаолият” махсус дастурлари асосида “Назарий-методик тайёргарлик клуби” номли сайт яратилган ва амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Тадқиқ этилаётган муаммога илмий-педагогик ёндашув, тадқиқот мақсади, предмети ҳамда педагогик вазифалар моҳиятига мувофиқ тадқиқот методларининг танланганлиги, тажриба-синов ишларига жалб этилган талабалар сонининг белгиланган талабларга мослиги, тажриба-синов ишларининг статистик маълумотларга асосланганлиги ва математик-статистик жиҳатдан қайта ишланганлиги ва педагогик тажриба-синов ишларида олинган ижобий натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги, таҳлилий материалларнинг диссертация мазмунини ёритишга имкон берадиган ҳажмда эканлиги, диссертация мазмунининг илмий журналларда чоп этилган мақолалар ҳамда илмий анжуманлардаги маърузалар орқали оммалаштирилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти талабаларнинг назарий-методик тайёргарлигини интегратив ёндашув асосида такомиллаштиришнинг фалсафий, педагогик-психологик хусусиятлари аниқлангани, назарий-методик тайёргарликни ривожлантириш имкониятлари аниқлаштирилгани, талабаларни назарий-методик тайёргарлигини инновацион технологияларидан фойдаланиб такомиллаштириш модели ишлаб чиқилгани, интегратив ёндашувнинг даражалари, назарий-методик фаолиятга тайёргарлик даражаларини баҳолаш мезонлари аниқлаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти диссертация натижаларидан олий таълим муассасалари тизимида талабаларнинг назарий-методик тайёргарлигини интегратив ёндашув асосида такомиллаштиришнинг педагогик шарт-шароитлари аниқлаштирилганлиги ҳамда ўқув қўлланма, махсус дастурлар таклиф этилганлиги билан изоҳланади. Шунингдек, тадқиқот натижаларидан бошланғич синф ўқитувчилари, малака ошириш курслари тингловчилари, олий ўқув юртларининг бошланғич таълим йўналиши талабаларини назарий-методик тайёргарлигини такомиллаштириш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Талабаларнинг назарий-методик тайёргарлигини интегратив ёндашув асосида такомиллаштириш бўйича тадқиқот натижалари асосида:

замонавий таълим жараёнида субъектлараро, субъектлар ичидаги, шахслараро ва шахсий интеграциянинг ўзаро таъсири натижасида амалга ошириладиган талабаларнинг назарий-методик тайёргарлигини такомиллаштиришнинг назарий асоси сифатида интегратив ёндашув мазмунининг мантикий-услубий ва умумий-назарий муаммолари мазмунига доир амалий тавсиялар “Технология ўқитиш методикаси” ўқув қўлланмаси мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 23 ноябрдаги 500-117-сон гувоҳномаси). Натижада бошланғич таълим йўналиши фанларига интегратив ёндашувнинг фалсафий жиҳатларини таҳлил қилиш асосида таълим жараёнида фойдаланиш имкониятларини ривожлантиришга эришилган;

интеграл ёндашув асоси (ғоялар, воситалар, услублар, фаолиятнинг турли тузилмаларининг умумийлиги, объектларнинг ўзига хос хусусиятлари) ва фаолиятнинг яхлитлигини таъминлашда асосий ғояларни ривожлантириш модели замонавий педагогиканинг акцентуацияси асосида ташкилий-педагогик, методик, психологик шарт-шароитларини такомиллаштиришга доир таклифлардан Давлат илмий-техника дастурлари доирасидаги ПЗ-20170930223 рақамли “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни ривожлантиришда ёшлар ижтимоий фаоллигини ошириш механизмини такомиллаштириш” мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Низомий номидаги ТДПУнинг 2022 йил 05 августдаги 02-07-4108/04-сон маълумотномаси). Натижада талабаларнинг назарий-методик тайёргарлигини такомиллаштириш методикаси моделини яратишга хизмат қилган;

талабаларнинг назарий-методик тайёргарлигининг босқичларини ривожлантирувчи таълимнинг устувор тамойиллари (шахсга йўналтирилганлик, индивидуаллик, субъективлик, плюрализм) ва педоцентризм ғояларини (инсонпарварлик, маданий диалог, дидактик фаолликни жадаллаштириш) интегратив таълимнинг муаммоли, мавзули шакллари билан қайта алоқаси дифференциация ва кўп даражалилик асосида такомиллаштиришга доир таклифлардан “Назарий-методик фаолиятда миз” электрон сайт яратишда фойдаланилган (Низомий номидаги ТДПУнинг 2022 йил 05 августдаги 02-07-4108/04-сон маълумотномаси). Натижада талабаларнинг интернет

тармоғи орқали ўз-ўзини назарий-методик ривожлантириш имкониятини кенгайтиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси юзасидан жами 13 та илмий, илмий-усулий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 2 таси хорижий, 3 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 138 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти очиб берилган, уларни амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва тузилмаси бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Таълим жараёнига интеграциялашган ёндашувнинг илмий-назарий асослари”** деб номланиб, ушбу бобда “интеграция” ва “интегротив ёндашув” муаммоси фалсафий ва педагогик жиҳатдан асосланган, педагогик таълимга интегротив ёндашув мазмуни ва тамойиллари ўрганилган ҳамда талабаларнинг педагогик фаолиятга назарий-методик тайёргарлигининг муҳим аспекти очиб берилган.

Фалсафий нуқтаи назардан, интеграция – бу элементларнинг бир бутунга оддий бирлашиши эмас, балки унинг ривожланиши, илгари бу элементларга хос бўлмаган янги хусусиятларнинг пайдо бўлишига, шунингдек, уларнинг фаоллашишига ёрдам берадиган тизим, ўзаро алоқадорликдир. Ўзаро боғлиқлик эса ўзаро таъсир демакдир. Замоनावий тадқиқотларда интеграцияни бир томондан, илмий билимларни ривожлантириш учун ички захира ролини белгилайдиган, иккинчи томондан, интеграция – бу фанларнинг ўзаро ривожланишининг сифат жиҳатидан янги тури, фанларнинг таркиб топишининг замонавий шароитлари учун хосдир деб ҳисоблайдилар.

Талабаларнинг назарий-методик тайёргарлигини ривожлантиришда интегротив ёндашувнинг аҳамияти шундаки, фанда билимларни синтез қилиш, объектив воқеликнинг умумий қонуниятларини ўрганиш тенденцияси ортиб бормоқда.

Фаридиддин Аттор ўзининг тубандаги фикри билан ўзаро алоқадорликни ўз замонасида қуйидагича таърифлайди: “Бу рўйи заминда майда нарсанинг

ўзи йўқ, ҳамма нарса бир-бирига боғлиқ ва бир-бирини тўлдиради”¹ .

Демак, ҳар бир фан бир-бирига боғлиқ ва уни негизи – табиатдир.

Дидактиканинг асосчиси Я.А.Коменский ўзининг “Буюк дидактика” асарига: “Ўзаро алоқадаги жамики нарса, худди шу алоқада ўрганилиши керак”² – деб таъкидлаган эди. Бундан кўринадики, ўрганиладиган ҳар қандай билим албатта алоқадорлик асосида амалга оширилиши, боғланиши лозим. Шундагина табиат+инсон бир бутунлигини англаб етади.

Интегратив ёндашув – бу педагогик жараённинг исталган компонентида интеграция тамойилини амалга оширишни кўзда тутати. Педагогик жараённинг яхлитлиги ва изчиллигини таъминлайди.

Интеграл жараёнлар – бу тизимнинг алоҳида элементларини ёки бутун тизимни сифатли ўзгартириш жараёни. Таълим жараёнини такомиллаштиришнинг аниқ усуллари ишлаб чиқишда маҳаллий дидактика ва таълим назариясидаги кўплаб тадқиқотлар юқоридаги қоидаларга асосланади.

Фалсафий ва илмий, психологик манбаларни ҳисобга олиш интеграциянинг педагогик аспектларини англашга имкон беради. Бу гуруҳга тегишли тадқиқотларда маънавий маданиятнинг бирлигини сақлашнинг энг муҳим омили сифатида яхлит тасаввурни шакллантиришгагина қодир эканлиги таъкидланади.

Замонавий илмий билимларнинг интеграцияси ва дифференциацияси тенденцияларининг ривожланиш хусусиятларини ўрганишга асосланган ҳолда, асосий қонун ва тамойиллар ажратиб кўрсатилади. Булар:

интеграциялашган тенденциянинг дифференциациядан устунлиги;

ҳар бир фаннинг ортиб бораётган мураккаблик даражаси унинг предмети, тузилиши ва вазифаларининг мураккаблиги билан боғлиқ ҳолда интеграциялашуви;

интеграция жараёнларининг тезлиги ва сифатини ортиб бориши.

Педагогик таълим тизимида интеграциялашган курслар қуйидаги йўналишларда ташкил этилади:

кўп предметли интеграция;

ёndoш фанлар интеграцияси;

фундаментал фанлар интеграцияси;

умумий илмий тушунчалар, қонуниятлар, назариялар асосидаги курслар;

фан эволюцияси билан боғлиқ муаммоларни, табиатни илмий нуқтаи назардан ўрганиш услубларини, оламнинг илмий кўринишини ўрганиш асосидаги курслар;

комплекс объектлар асосидаги интегратив курслар;

турли муаммолар асосидаги интегратив курслар;

педагогик фаолият мазмуни бирлиги асосидаги интегратив курслар.

Бошланғич синфларда ўқув фанлари методикасини интеграциялаш учун педагогикада маълум бўлган, қуйидаги асосий дидактик тамойилларга таянилади:

¹ Мусаев У. Интеграция даражалари // Халқ таълими. – 2002. – № 6. – Б. 5.

² Коменский Я.А. Избранные педагогические сочинения: в 2 то-мах / Я.А.Коменский. – М.: Педагогика, 1982. Т. 2. – С. 125.

Ўқитишнинг илмийлиги;
назария ва амалиётнинг бирлиги;
Ўқитиш ва тарбиялашнинг мунтазамлиги;
Ўқитишда тарихийлик тамойили;
Ўқув жараёнини жадаллаштириш тамойили.

Маълумки, назарий-методик тайёргарлик – маълум бир фаолият соҳасидаги вазифани бажаришга самара берадиган махсус билим, кўникма ва малакалар мажмуи бўлиб, баъзи адабиётларда маълум бир ишни, вазифалар гуруҳини бажариш учун зарур бўлган кўникмаларни ўргатиш жараёни сифатида талқин этилади. Назарий-методик тайёргарликни такомиллаштириш эса – бу асосий ва тегишли касб, мутахассислик бўйича янги ва кўшимча билимларни эгаллаш жараёни ҳисобланади.

Демак, **назарий-методик тайёргарлик** – бу маълум бир фаолият соҳасида муайян ишни, топшириқлар гуруҳини бажариш учун зарур бўлган амалий билим, кўникма, малакаларни тизимли эгаллаш жараёнидир.

Демак, **талабаларнинг интегрatív ёндашув асосида назарий-методик тайёрлигини ривожлантириш** – талабаларда таълим+тарбия+ривожланиш қонуниятларини бир бутун яхлит ҳолда амалга ошириш ҳамда ахлоқий-психологик тайёргарлик жараёнининг ўзаро алоқадор, боғлиқ жиҳатларини назарда тутати. Талабаларда назарий-методик тайёргарликни ривожлантириш зарурати эса қуйидагилар билан аҳамият касб этади:

биринчидан, профессор-ўқитувчилар ва университет раҳбариятининг барчаси талабаларни касбий тайёрлаш, талаба шахсининг шаклланишига педагогик таъсирининг тизимли ва мақсадли фаолиятни амалга ошириши;


иккинчидан, бу жараёнларнинг пировард мақсади битта – бўлажак мутахассисни касбий фаолиятга ҳар томонлама ва сифатли тайёрлаш;

учинчидан, бу педагогик жараёнларнинг асосини қоида тариқасида умумий-ташкилий, моддий-услубий муносабатлар, ижтимоий ва шахсий фаоллик ҳамда уларни кўриб чиқишга руҳий ёндашувлар ташкил этади.

Диссертациянинг **“Интегрatív ёндашув асосида талабаларни назарий-методик тайёргарлигини такомиллаштириш методикаси”** деб номланган иккинчи бобида бўлажак ўқитувчилар назарий-методик тайёргарлигини такомиллаштириш модели келтириб ўтилган, бинар диалогли маърузалар, интегрatív амалий машғулот ҳамда мустақил интегрatív фаолият дастури орқали такомиллаштирилган методикаси баён этилган.

Талабаларнинг интегрatív ёндашув асосида назарий-методик тайёргарлигини ривожлантириш ўзига хос тизим бўлиб, унда талабаларнинг касбий ва шахсий сифатлари таркиб топади. Шунингдек, мазкур тизим авлат таълим стандарти талабалари асосида умуммаданий, умумкасбий, методик билимлардан фойдалана олиш малакаларини ўзида қамраб олган мураккаб динамик характерга эгаллиги билан аҳамият касб этади.

Илмий изланишларимиз асосида бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш ихтисослиги талабаларига интегрatív ёндашув асосида назарий-методик тайёргарлигини ривожлантиришнинг моделини ишлаб чиқишга ҳаракат қилдик (1-расм).




1-расм. Талабаларда интегратив ёндашув асосида назарий-методик тайёргарликни ривожлантириш жараёни модели

Тадқиқотимиз муаммоси юзасидан талабаларнинг назарий-методик тайёргарлигини интегратив ёндашув асосида такомиллаштиришда мутахассислик фанлари мазмунига сингдирилган мавзуларни махсус дастур асосида ташкил этишга ҳаракат қиламиз. Мазкур дастур **“Бинар-диалогли маъруза”** деб номланиб, у ўз таркибига технология ва уни ўқитиш методикаси, математика ўқитиш методикаси, география ва уни ўқитиш методикаси каби ўқув предметлари мавзуларини интеграциялашни назарда тутди.

Ҳар бир маъруза машғулоти кенг ҳажмли илмий маълумотларни талабаларга етказишнинг анъанавий шакли ҳисобланади. Маъруза дарсларини ташкил этиш самарадорлигини ошириш борасида доимий изланишлар олиб борилади.

Интеграциялашган бинар-диалогли маърузалар бугунги кунда самара берадиган замонавий маъруза тури ҳисобланади. Мазкур маъруза ўз тингловчисига эга бўлиши билан бир қаторда ҳар бир талабанинг билим ўзлаштириш жараёнида янги материалларни ҳиссий-эмоционал тарзда қабул қилишларига етарли имконият яратади. Бинар маъруза икки маърузачининг диалоги тарзида ташкил этилиб, икки ёндош фан мутахассислари, назарияси ва амалиётчилари битта мавзу доирасида маълумотларни етказиб берадилар.

“Бинар-диалогли маъруза” бир қатор шартларга: бир дарсда икки ёки ундан ортиқ фанлардан материаллар синтези; турли билим соҳалари мутахассисларининг дарсда иштирок этиши; мунозара мавзусини танлаш, талабаларнинг турли хил, баъзан бир-бирини истисно қиладиган тушунчалар ўртасидаги умумий боғланиш нуқталарини топиш талабига асосланади. Бу эса қуйидаги схемада намоён бўлади:



$$\text{Ўқ} + \text{БЎқ} + \text{Т} = \text{ИД}$$

Ўқитувчи+бинар ўқитувчи+талаба = илмий дунёқараш

2-расм. “Бинар-диалогли маъруза” схемаси

“Бинар-диалогли маъруза”да ўқув фанлари билан интеграциялашув муносабатлари уч босқичда амалга оширилиши мумкин:

I энг юқори – яхлитлик даражаси;

II дидактик синтез даражаси;

III субъектлараро алоқалар даражаси.

Интегратив амалий машғулотларда:

талабаларни қарама-қарши ҳодисаларни ва улар ўртасида умумий алоқа нуқталарини топишга ундаш;

ўқув жараёнида ҳаётий вазиятлардан, талабаларнинг шахсий тажрибасидан фойдаланиш, илмий талқинини таҳлил қилишга ундаш;

билимларнинг интеграцияси, унинг мавжудлигини белгиловчи омиллар ва унинг ишлашини таъминловчи воситаларни аниқлаш;

талабаларга педагогик ва ишлаб чиқариш жараёнлари, педагогик ва техник билимлар ўртасидаги ўхшашлик ва фарқларни топишга ўргатиш, ҳар хил табиатдаги жараёнлар учун диалектика қонунларининг умумийлиги, шунингдек, билим ва ҳодисаларнинг синтези асосида назарий тушунчаларни моделлаштиришга ўргатиб бориш каби вазифалар амалга оширилади.

Мустақил интегратив фаолият орқали талабаларнинг назарий-методик тайёргарлигини такомиллаштиришда маълум педагогик шартларга риоя қилиш муҳим:

талабаларнинг мавзу юзасидан қўшимча билимларни мустақил излашини таъминлайдиган фаоллиги;

мустақил топшириқларнинг изчиллигини таъминлаш;

алоҳида фан юзасидан берилган мустақил топшириқларни ягона комплекснинг ўзаро бошқа фанлар билан боғлиқ компонентлари сифатида идрок этиш яхлитлиги.

Мустақил интегратив фаолият асосида талабаларнинг назарий-методик тайёргарлигини такомиллаштириш талабаларнинг ўқув фаолиятида қуйидаги кўникмаларни таркиб топтиришга хизмат қилади:

ўзлаштирган билимларни фаолиятнинг бир соҳасидан бошқасига кўчириш ва алоқадорликда қўллаш;

турли тафаккур операцияларини бажара олиш.

Тадқиқот муаммосига доир тажриба-синов ишлари диссертациянинг **“Педагогик тажриба-синов ишлари таҳлили”** деб номланган учинчи бобида келтириб ўтилган.

Тажриба-синов ишларида жами 445 нафар талаба иштирок этди. Жами талабанинг 231 нафари тажриба, 214 нафар талаба назорат гуруҳи сифатида танлаб олинди.

Тажриба-синов ишлари қуйидаги уч босқичда амалга оширилди ва ҳар бир босқичда муайян вазифалар ҳал этилди:

асословчи босқич;

шакллантирувчи тажриба босқичи;

таъкидловчи тажриба босқичи.

Тадқиқот натижалари асосида талабаларнинг назарий-методик тайёргарлигини такомиллаштиришни баҳолаш мезонлари сифатида қуйидагилар аниқлаштирилди:

талабаларнинг назарий-методик фаолиятга йўналганлиги (мотивация);
педагогик, методик, психологик билимларга эгалик;
билимларни фаоллаштириш кўникмасига эгалик;
интуиция.


Талабаларнинг назарий-методик тайёргарлигини интегратив ёндашув асосида ривожлантиришда талабалар тайёргарлигини баҳолаш қуйидаги даражаларга асосланган ҳолда амалга оширилди: *юқори даража; ўрта даража; паст даража.*

Ўтказилган тажриба-синов ишларининг якунида тадқиқотимиз давомида ишлаб чиқилган методиканинг самарадорлик даражасини аниқлаш учун тажриба бошида ва тажриба охиридаги натижаларни умумлаштирган ҳолда келтирамиз.

1-жадвал

Тажриба-синов ишлари натижалари

Тажриба синов натижалари	Ўртача қиймат кўрсаткичи	Тажриба гуруҳлари				Назорат гуруҳлари			
		Тажриба бошида	%	Тажриба охирида	%	Тажриба бошида	%	Тажриба охирида	%
Юқори		65	27	97	40	66	27	77	31
Ўрта		80	33	117	49	83	34	95	38
Паст		96	40	27	11	98	40	75	30
ЖАМИ:		241	100	241	100	247	100	247	100



3-расм. Тажриба-синов ишлари натижалари таҳлили.

Олинган сонли маълумотларни математик-статистик таҳлил қилишда Стюдентнинг танлама мезони, К.Пирсоннинг мувофиқлик критерийси, Лаплас функциясидан фойдаланилди. Тажриба ва назорат гуруҳидаги баҳолаш натижаларини мос равишда 1- ва 2-танланмалар деб олсак, қуйидаги вариацион қаторларга эга бўламиз:

2-жадвал

Тажриба-синов натижаларининг жамланмаси

	1-танланма				
Тажриба гуруҳи	X _i	Юқори	Ўрта	Паст	Жами
	n _i	97	117	27	n=241
	2-танланма				
Нazorат гуруҳи	Y _j	Юқори	Ўрта	Паст	Жами
	m _j	77	95	75	m=247

Ўзлаштириш даражасини қуйидаги формула асосида ҳисоблаймиз:

$$\begin{aligned}\bar{X} &= \frac{1}{n} \sum_{i=1}^3 n_i X_i = \frac{1}{247} (97 \cdot 5 + 117 \cdot 4 + 27 \cdot 3) = \frac{1}{247} (485 + 468 + 81) = \\ &= \frac{1034}{247} = 4,29 \approx 4,3.\end{aligned}$$

$$\text{Фoизда } \bar{X}\% = \frac{4,29}{3} \cdot 100\% = 143\%.$$

$$\begin{aligned}\bar{Y} &= \frac{1}{m} \sum_{j=1}^3 n_j Y_j = \frac{1}{247} (77 \cdot 5 + 95 \cdot 4 + 75 \cdot 3) = \frac{1}{247} (385 + 380 + 225) = \\ &= \frac{990}{247} = 4,0 \approx 4.\end{aligned}$$

$$\text{Фoизда } \bar{Y}\% = \frac{4}{3} \cdot 100\% = 133\%.$$

Тажриба гуруҳидаги ўртача ўзлаштириш назорат гуруҳидаги ўзлаштиришдан кўрсаткичидан $(143 - 133) \cdot \% = 10\%$ га юқори экан. Бу эса ўз навбатида $\frac{143\%}{133\%} = 1,07$ баробар ортиқлигини англатади.

Юқоридаги ҳисоблашлардан маълум бўлдики, ўқитиш самарадорлигининг баҳолаш мезони ва билиш даражасининг баҳолаш мезони нолдан катта экан. Бундан шуни айтиш мумкинки, тажриба гуруҳи кўрсаткичлари назорат гуруҳидагидан юқори экан.

Ушбу ўзлаштириш кўрсаткичларини фoизларда ҳисоблаймиз:

$$P = \frac{\bar{X}}{3} \cdot 100\% - \frac{\bar{Y}}{3} \cdot 100\% = 0,1 \approx 10\%.$$

Бундан шуни хулоса қилиб айтиш мумкинки, тажриба гуруҳининг кўрсаткичи назорат гуруҳиникига нисбатан 10 фоизга ошганлигини кўриш мумкин.

Бундан кўринадики, биз таклиф этган методика самарали экан. Буни математик – статистик таҳлилдан ҳам англашимиз мумкин.

ХУЛОСАЛАР

1. Замонавий шароитда талабаларнинг назарий-методик тайёрлаш сифатини оширишнинг муҳим шартларидан бири – бу фанлараро алоқадорликда амалга ошириладиган умумтаълим ва махсус фанларнинг тизимли бирлиги ҳисобланади. Бўлажак мутахассисларнинг илмий билимларни самарали ўзлаштириши, уларнинг интеллектуал ва ижодий ривожланиши учун ўзаро боғлиқлик муҳим бўлиб, бу ўқитиладиган фанларнинг алоҳида бўлимлари ўртасида ҳамда субъектлараро моҳиятни акс эттиради. Талабаларнинг назарий-методик тайёргарлигини интегратив ёндашув асосида такомиллаштиришнинг асосий негизини қуйидаги сифат кўрсаткичлари ташкил этади: психологик, педагогик билимлари, методик тайёргарлиги, инновацион таълим технологиялари, шунингдек, мустақил интегратив фаолият олиб бориши каби сифатлар асосида намоён бўлади.

2. Талабаларнинг назарий-методик тайёргарлигини интегратив ёндашув асосида жараёнида талаба қизиқишлари, мойилликлари, лаёқатини таълим муассасалари эҳтиёжлари билан уйғунлаштириш талаб этилди ҳамда бу борада назарий-методик тайёргарликни ривожлантиришда талабанинг ўзини ўзи англаши ва ижодий қобилиятларини ривожлантириши муҳим аҳамият касб этади. Инновацион таълим технологиялари асосида ҳар бир талабанинг фундаментал билимларнинг эгалланишига, ақлий меҳнатга, ижодий ва мустақил фикр юритишга ўргатиш, таҳлил қилиш ва хулоса чиқариш, ҳар бир талабада методик тайёргарлигини такомиллаштириш бўйича ўз кучи ва қобилиятига бўлган ишончни мустаҳкамлаш, таҳсил олишда масъулият ва қатъиятлилик ҳиссини ривожлантириш кўзда тутилди.

3. Талабаларнинг назарий-методик тайёргарлигини интегратив ёндашув асосида такомиллаштиришга йўналтирилган назарий-методик тайёргарликни такомиллаштиришнинг ўзига хос хусусиятларини ўзида акс эттирувчи модель таклиф этилган бўлиб, унинг оператив ва фаолиятли блоклари тадқиқот давомида ишлаб чиқилган назарий-методик тайёргарлик методикаси мазмунини ўзида акс эттиради. Талабаларнинг назарий-методик тайёргарлигини интегратив ёндашув асосида касбий тайёрлаш жараёни мотивацион, репродуктив ва продуктив босқичлара амалга оширилиши назарда тутилади.

4. Талабаларнинг назарий-методик тайёргарлигини такомиллаштириш асосида қуйидаги кўникмалар ётиши аниқланди: талабаларнинг фанлараро боғлиқликни ҳис этиш, англаш, амалда қўллашга доир кўникмалари;

асосий фанларни ўзлаштириш ва оламдаги бор нарсаларнинг қонуниятларини тушуниш қобилияти; таълимнинг дунёқарашни шакллантириш ва ривожлантириш вазифасини рўёбга чиқариши. Бу жараён назарий ва амалий шаклларда ташкил этилиб, назарий тайёргарликда бинар-диалогли маъруза ва ўқув конференцияларидан фойдаланилди. Тадқиқот давомида мазкур методлардан фойдаланишда амал қилиниши лозим бўлган методик талабларга амал қилиниши жараён самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

5. Педагогик таълим жараёнида талабаларнинг назарий-методик тайёргарлигини такомиллаштиришда она тили ўқитиш методикаси, математика ўқитиш методикаси, технология ва уни ўқитиш методикаси, табиатшунослик ва уни ўқитиш методикаси фанларининг ўқув дастурида белгиланган мавзуларини интегратив ёндашув асосида лойиҳалаш ва режалаштиришда амалий тайёргарлик методлари муҳим ҳисобланади. Тадқиқот давомида амалий таълим методларидан микро машғулотлар, кейслар, эвристик вазифалар, пантомимика ҳамда инновацион технологиялардан самарали фойдаланилди. Ушбу методлар талабаларнинг педагогик жараёндаги ички имкониялартини рўёбга чиқаришга ёрдам беради.

6. Талабаларнинг назарий-методик тайёргарлигини интегратив ёндашув асосида такомиллаштиришда талабанинг мустақил тайёргарлиги (педагогик амалиёт давомида, курс иши ва битирув малакавий ишини бажариш давомида) юқори ақлий меҳнат маданиятининг шаклланиши, мустақил иш усуллари ва кўникмаларини эгаллаш, ўз вақтини онгли тақсимлаш ва сарфлаш малакаларини эгаллаш, муваффақиятли таълим ва касбий тикланиш учун зарур ахборотлар тўплаш ва ўзлаштиришга имкон яратди. Мустақил интегратив фаолият талабаларда уюшқоқлик, интизом, ташаббускорлик, ирода каби сифатларни ривожлантирди; фикрлаш малакалари ва операциялари (анализ, синтез, қиёслаш, таққослаш) билан ишлади; мустақил фикрлашга ўргатди, шахсий мойиллик ва ижодий интилишларига кўпроқ мос келадиган ўз иш услубини шакллантиришга имкон яратади.

7. Педагогик тажриба-синов ишлари даврида ташкил этилган амалий фаолият инновацион таълим технологиялари асосида назарий-методик тайёргарликни такомиллаштиришда мустақил фикрлаш, шахсий мулоҳазаларни эркин баён қилиш, қарор қабул қила олиш, шахсий-касбий компетентлик каби сифатлар катта имкониятларга эгаллигини тасдиқлади.

ТАВСИЯЛАР

1. Талабаларнинг назарий-методик тайёргарлигини такомиллаштиришда бошланғич таълим фанлари методикасига доир интегратив курс ташкил этиш педагогик таълим сифатини оширишга хизмат қилади.

2. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлашда ўқув дастурлари вариативлиги тамойилини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

3. Бинар диалогли маъруза, интегратив амалий машғулот ҳамда мустақил интегратив фаолиятни ташкил этишга доир методик қўлланма яратиш бошланғич таълим йўналиши талабаларининг назарий-методик тайёргарлигини такомиллаштиришга хизмат қилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/04.06.2020.Ped.70.02
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
КАРШИНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

КАРШИНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

РАДЖАБОВ АДХАМ УМАРКУЛОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕОРЕТИКО-МЕТОДИЧЕСКОЙ
ПОДГОТОВКИ СТУДЕНТОВ НА ОСНОВЕ
ИНТЕГРАТИВНОГО ПОДХОДА
(На примере начального образования)**

13.00.02 – Теория и методика образования и и воспитания (педагогические науки)

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

Карши – 2022

Тема диссертации доктора философии наук (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В.2022.1.PhD/Ped3155.

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Каршинском государственном университете. Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.qarshidu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:	Нуруллаева Шахло Уктамовна доктор педагогических наук (DSc), профессор
Официальные оппоненты:	Уразова Марина Батировна доктор педагогических наук (DSc), профессор Хамраев Алижон Рузикулович доктор педагогических наук (DSc), профессор
Ведущая организация:	Джизакский государственный педагогический университет

Защита диссертации состоится «___» _____ 2022 года в ___ часов на заседании разового Научного совета по присуждению учёной степени PhD.03/04.06.2020.Ped 70.02 при Научном совете Каршинского государственного университета (Адрес: 180103, г. Карши ул. Кучабог 17. Тел.: (+99875) 225-34-13, факс: (+99875) 221-00-56, e-mail: kardu@mail.ru) Каршинский государственный университет, факультет Педагогика, 301 аудитория.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Каршинского государственного университета (зарегистрирована за № ___). (Адрес: 180103, г. Карши ул. Кучабог 17. Тел.: (+99875) 225-34-13, факс: (+99875) 221-00-56, e-mail: kardu@mail.ru).

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2022 года (протокол рассылки № ___ от «___» _____ 2022 года).

Р.Д.Шодиев
председатель Научного совета
по присуждению ученой степени,
д.п.н., профессор

И.Б.Камолов
ученый секретарь Научного совета
по присуждению ученой степени,
д.ф.п.н. (PhD), профессор

Х.О.Жураев
Заместитель председателя Научного
семинара при Научном совете по
присуждению ученой степени,
д.п.н. (DSc), профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В современных динамичных социокультурных условиях в мире отчетливо проявляется потребность в максимальном использовании сильного инвестиционного ресурса – человеческого потенциала. Эта тенденция делает актуальной проблему теоретико-методической подготовки человека. Потому что только специалист с теоретико-методической подготовкой может предложить необходимые условия для достижения нового качества образования, развития научной деятельности. При этом реформы предусматривают уровень теоретико-методической подготовки будущих учителей начальных классов. Соответственно научно-методическая подготовка педагогических кадров имеет важное значение для определения образовательных перспектив будущего поколения, служащего прогрессивному развитию общества.

Развитие интегративного образования в мире представляет собой системную взаимосвязь социального и информационно-коммуникативного полей, а также интеграционных процессов в науке, и проводятся научные исследования для определения приоритетной стратегии обеспечения эффективности образовательного процесса, направленного на удовлетворение потребностей общества в современном образовании.

В связи с этим образовательные учреждения на качественно новом уровне подготовки педагогов, в том числе исследователи Гарвардской школы высшего образования «Project Zero», большое внимание уделяют выявлению междисциплинарности в различных условиях, развитию мышления студентов перед мировой системы образования, совершенствование возможности интегративного подхода в подготовке их к теоретико-методической деятельности.

В нашей стране сфере образования уделяется серьезное внимание и предъявляются высокие требования. Сегодняшний процесс глобализации и интеграции создает теоретическую и методологическую конкуренцию. Соответственно, на рынке труда существует потребность в конкурентоспособных педагогических кадрах, ценностно и осмысленно относящихся к свободному мышлению, педагогических кадрах, обладающих академическими знаниями и навыками в области информационно-коммуникационных технологий и других смежных дисциплин. Это в свою очередь требует доведения личностной и теоретико-методической подготовки будущих специалистов до уровня мировых стандартов. Одним из возможных путей решения этой потребности в данном процессе является комплексный подход к теоретико-методической подготовке студентов. Он помогает разрешить основное противоречие между требованием обеспечить эффективную связь научно-методических и личностных качеств обучающихся во всем педагогическом процессе и недостаточной подготовкой условия для готовности личности реализовать ее как будущего специалиста.

Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № УП-60 «О новой стратегии развития Республики Узбекистан на 2022-2026 годы»,

ПП-3151 от 27 июля 2017 года «О мерах по дальнейшему расширению участия отраслей и сфер экономики в повышении качества подготовки специалистов с высшим образованием» и ПП-3775 от 5 июля 2018 года « О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших образовательных учреждениях и обеспечению их активного участия в осуществляемых в стране широкомасштабных реформах» и другие решения связанные с этой деятельностью, служат для реализации задач, определенных в нормативных правовых документах.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики I. «Формирование системы инновационных идей и пути их реализации в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовно-просветительском развитии информационного общества и демократического государства».

Степень изученности проблемы. Различные аспекты проблемы формирования профессиональной подготовки студентов в системе высшего образования нашей республики были исследованы отечественными учеными М.Зайнитдиновой, Н.Бикбаевой, Р.Мавлоновой, У.Ш.Бегимкуловым, К.Олимовым, А.Рахимовым, М.Джумаевым, Ф.Касимовым, Э.Янгабаеваой, М.Т.Мирсолиевой, Н.А.Муслимовым и другими.

Проблема совершенствования профессиональной подготовки студентов на основе интегративного подхода в странах Содружества Независимых Государств были исследованы учеными П.Н.Федосовым, В.А.Энгельгардт, И.В.Гришиной, Г.Павелциг, Е.О.Галицких, Н.А.Долгих и другими.

Данная проблема нашло своё выражение в исследованиях зарубежных ученых как А.Моore, L.Hooghe, G.Marks, S.Blessing, C.Coutras, T.Jong, W.Kouwenhoven, S.Tappin, T.Murray, K.Thuong, S.Erduranлар и другие.

